

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ  
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

## Парламент хабарлари

### ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Кун тартибига киритилган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш самарадорлигини ошириш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг аъзоси Қ.Эргашев тақдим этди. Қонун лойиҳаси фуқароларнинг кафолатланган ижтимоий манфаатларини таъминлашга қаратилган. Унда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик ҳақидаги нормалар киритиш назарда тутилди.

Муҳокама вақтида киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди. Қонун парламентнинг юқори палатасига юборилади.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси А.Жумаевнинг маърузаси бўйича Қонунчилик палатаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ва 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, ёш мутахассислар учун янги иш ўринлари очиш ва уларни чуқурла-

шиб бораётган бозор муносабатлари шароитида қўллаб-қувватлашга, касаначиликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилганлиги сабабли катта ижтимоий аҳамиятга эгадир.

Қонунчилик палатаси муҳокама вақтида баён этилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси Ф.Омонова «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасининг муҳокамасига биринчи ўқишда тақдим этди.

Солиқ қарздорлигини мажбурий ундириш жараёнини ўрганиш давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдида қарз бўлган қарздор-банкротнинг мол-мулкни давлат мулкига ўтказишнинг ҳуқуқий механизми, шунингдек, бундай мол-мулкни реализация қилиш ва бундан тушган маблағларни солиқ қарзларини узишга йўналтириш тартиби қонун ҳужжатларида регламентланмаганлигини кўрсатди.

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси солиқ қарздорлигини тўла ундиришни таъминлаш мақсадида тайёрланган. Мазкур Қонун юқорида кўрсатилган муаммони ҳал этишга қаратилгандир.

Қонун лойиҳасида «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг бир қатор моддаларига тегишли ўзгартишлар киритиш, шунингдек Қонунни давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдида қарз бўлган қарздор-банкротнинг мол-мулкни давлат мулкига ўтказиш ва уни давлат мулкни бошқариш бўйича ваколатли орган томонидан реализация қилиш механизмини назарда тутувчи 142<sup>1</sup>-модда билан тўлдириш таклиф этилади.



Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди. Масъул қўмитага ҳужжатни навбатдаги ўқиш учун тайёрлаш вазифаси топширилди.

«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси У.Зокиров тақдим этди.

Ушбу қонун лойиҳаси мамлакат автотранспорт тизими фаолияти самарадорлигини ошириш ва тизимни ривожлантириш, мавжуд автотранспорт фондидан оқилона фойдаланиш, ноишлаб чиқариш чиқимларини камайтириш, шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитларида рақобатбардошликни ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳаси ҳарбий турдаги автомобиль колонналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш имкониятини назарда тутди.

Барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари томонидан баён қилинган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилиб, масъул қўмита зиммасига ҳужжатни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказиш вазифасини юкледи.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг матбуот хизмати материали асосида тайёрланди.**

### Қонунчиликдаги янгиликлар

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан [www.norma.uz](http://www.norma.uz) сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

### МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ЖАРИМАЛАР ЎСДИ

2010 йил 6 октябрдаги ЎРК-264-сон Қонун билан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг қайта ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритилди. Чунинчи, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартишларга мувофиқ, Монополиядан чиқариш давлат қўмитасининг раиси ва унинг ўринбосарлари эндиликда ЭКИХнинг 10 бараваригача миқдорда (олдин – 7 ЭКИХгача), ҳудудий бўлинмалар раҳбарлари эса – ЭКИХнинг 7 бараваригача миқдорда (олдин – 5 ЭКИХгача) жарима қўллашга ҳақлилар. Қолган ўзгартишлар билан монополияга қарши органнинг номи қонун ҳужжатларига мувофиқлаштирилди.

Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2010 йил 7 октябрда чоп этилган кундан бошлаб кучга кирди.

### ФАРМОН БЕКОР ҚИЛИНДИ

Президентнинг 2010 йил 30 сентябрдаги ПФ-4245-сон Фармони билан

Президентнинг 1999 йил 17 мартдаги «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-2246-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб топилди. Яъни ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйларида, «Меҳрибонлик» уйларидаги тарбиячилар, шунингдек кутубхоначилар сифатида ишлашни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдида мазкур мутахассисликлар бўйича камида 10 йил стажга эга бўлган аёллар ёшга доир пенсияга чиққандан кейин пенсияни тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқи сақлаб қолинадиган меъёр бекор қилинди.

### ИМТИҲОНСИЗ, БИРОҚ АТТЕСТАЦИЯ БИЛАН

Олий ва ўрта махсус таълим вазири-нинг буйруғи (АВ томонидан 2010 йил 30 сентябрда 1765-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Магистратура тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1765, 2008 йил 4 февраль) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Уларга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси томонидан янги мутахассисликлар бўйича магистрлар тайёрлашга доир қабул қилиш квоталари энди Олий ва ўрта

махсус таълим вазирилиги билан биргаликда Давлат тест марказининг тавсияси бўйича ҳам белгиланади.

Магистратурага қабул қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 118-сон қарори билан белгиланган тартибда амалга оширилади. Магистратурага хорижий фуқароларни қабул қилиш эса Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори (2008 йил 4 августдаги 169-сон) ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида амалга оширилади.

Ўқиш даврида талаба энди магистратура мутахассисликларининг ўқув режаларида белгиланган яқуний давлат аттестация синовларини (олдин – камида иккита давлат имтиҳонини) топширади ҳамда магистрлик диссертациясини тайёрлайди.

2010 йил 10 октябрдан кучга кирди.

### АДВОКАТНИНГ ИШИ ЕНГИЛЛАШДИ

Адлия вазирилиги ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 4 октябрда 2020-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Нотариал идоралар ва

адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига (рўйхат рақами 2020, 2009 йил 19 октябрь) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Энди нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгиладиган ички ҳужжатларни ишлаб чиқишлари шарт эмас – фаолиятнинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, ички назорат қоидалари ва уни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурлари мавжуд бўлиб, тегишинча ҳужжат матнидан «ички ҳужжатлар» тушунчаси чиқариб ташланди.

Ички назорат қоидаларига риоя қилиниши учун жавобгар шахсларнинг мажбуриятлари тўлдирилган бўлиб, улар, белгиланганларидан ташқари, мижозни текшириш материалларига қўшиб қўйиладиган яққол иқтисодий моҳиятга эга бўлмаган, мижознинг таъсис ҳужжатларида ёки давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномасида назарда тутилган мақсад ва фаолият турларига тўғри келмайдиган барча операциялар бўйича лозим даражада текшириш натижалари ва хулосаларини ёзма равишда қайд этишлари шарт. Шунингдек улар идентификациялашни яқунлаш имкони

2-бетда

УШБУ  
СОҒДА

2-бет

Низолар судда  
ҳал этилади

\$1 = 1626,30 сўм

3-4-бетлар

Саволлар таълим учун  
тўловларга доир

€1 = 2259,78 сўм

5-бет

Товарлар вақтинча  
олиб кирилганда

£1 = 2560,12 сўм

6-бет

Ваколатлар ишончнома  
орқали берилганда

¥10 = 200,63 сўм

## ЯНГИ ХУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

бўлмаганда ёки лозим даражада текшириш натижаларига кўра, миждоз билан амалий иш муносабатларини ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатиб турадиган маълумотлар олинганда, миждоз билан битим тузишни ҳам рад этишлари керак. Бундай вазият операцияни шубҳали деб тан олиш учун асос бўлиши мумкин.

Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари иш ёзишларини ҳам энди операциялар амалга оширилган ёки миждозлар билан муносабатлар тўхтатилгандан кейин 5 йилдан кам бўлмаган муддат давомида сақлашлари зарур.

2010 йил 14 октябрдан кучга кирди.

## ХУЖЖАТЛАР МУВОФИҚЛАШТИРИЛДИ

Давлат мулки кўмитаси ҳузуридаги Кимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи (АВ томонидан 2010 йил 7 октябрда 1125-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан «Накд кимматли қоғозларни йўқ қилиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа (рўйхат рақами 1125, 2002 йил 15 апрель) ўзгартиришлар киритилди. Улар билан хужжат кимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқлаштирилди. Хусусан, «накд кимматли қоғозлар» сўзлари «хужжатли кимматли қоғозлар» сўзлари билан алмаштирилди.

2010 йил 17 октябрдан кучга кирди.

## МОНОПОЛИЯЧИЛАР КИМ?

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси қарори (АВ томонидан 2010 йил 11 октябрда 2147-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Табиий монополия субъектларининг Давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Реестрни юритиш Монополиядан чиқариш давлат кўмитаси ва унинг ҳудудий органлари томонидан табиий монополия субъекти ва унинг хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни бирлашган ахборот базасига киритиш, ушбу маълумотларни янгилаш, уларни базадан чиқариш йўли билан амалга оширилади. Реестр республика ва ҳудудий бўлимлардан ташкил топган. Реестрнинг республика бўлимига табиий монополия шароитида 2 ва ундан ортик вилоят ҳудудида товарлар ишлаб чиқараётган (реализация қилаётган) хўжалик юритувчи субъектлар, ҳудудий бўлимга эса табиий монополия шароитида 1 вилоят ҳудуди чегарасида товарлар ишлаб чиқараётган (реализация қилаётган) хўжалик юритувчи субъектлар киритилади. Табиий монополия шароитида товарлар ишлаб чиқариш (реализация қилиш) асосий фаолият тури ҳисобланмаган хўжалик юритувчи субъектлар куйидаги алоҳида шартлар асосида Реестрга киритилади: табиий монополия товарларининг пировард истеъмолчиси аҳоли ва/ёки бюджет ташкилотлари ҳисобланганда; истеъмолчиларга етказиб берилаётган табиий монополия товарлари ҳажми шу товарларнинг ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан 10 фоиздан ошганда; субистеъмолчиларга реализация қилинаётган табиий монополия товари ҳажмлари сотиб олинган товар ҳажмининг 10 фоизидан кам бўлмаган ҳолатда.

Низомга иловада Табиий монополия шароитида ишлаб чиқариладиган товарлар рўйхати келтирилган.

2010 йил 21 октябрдан кучга кирди.

Меърий-ҳуқуқий хужжатларнинг қисқача шарҳлари 2010 йил 25 сентябрдан 15 октябргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами»нинг 40-41-сон асосида тайёрланди.

# КЕЧИККАН ДАЪВО

## ИШНИНГ МОҲИЯТИ

Акциядорлик компанияси корхона билан шартнома бўйича унинг товарларини FOB шартларида экспедиция қилди. Корхона шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги сабабли компания зарар кўрди ва иккинчи тарафдан етказилган зарарни қоплашни талаб қилди. Бироқ ушбу талаб қондирилмади. Шунда у даъво билан хўжалик судига мурожаат қилди.

Биринчи инстанция суди даъво қондиришдан бош тортди. Апелляция инстанцияси унинг қарорини ўзгартирмасдан қолдирди. Қабул қилинган суд хужжатларига қўшилмаган даъвогар Олий хўжалик судига илгари қабул қилинган қарорни бекор қилиш ва янги – даъво тўлиқ ҳажмда қондириш тўғрисида ҳал қилув қарорини қабул қилиш тўғрисида кассация шикоятини билан мурожаат қилди.

## СУДНИНГ ҚАРОРИ

Кассация ҳайъати иш материалларини ўрганиб, тарафларнинг фикрларини тинглаб, куйидагиларни аниқлади:

2004 йилда корхона ва акциядорлик компанияси транспорт-экспедиторлик хизмати кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузганлар;

товар тайинланган пунктга етказиб берилгандан кейин экспедитор ўз ҳисобидан унинг 20 кунга қадар муддат сақланишини таъминлаши шарт эди, шу муддат мобайнида корхона ортиб жўнатиш тўғрисида фармойиш бериши ва олувчини кўрсатиши керак эди;

товарни амалда сақлаш шартномада назарда тутилган муддатдан ошиб кетган, чунки корхона ортиб жўнатиш тўғрисида ҳеч қандай кўрсатма бермаган;

акциядорлик компанияси корхонага

52 минг АҚШ доллари миқдорида зарарларни қоплаш тўғрисида тўловнома (счёт) тақдим этган, бироқ у тўланмаган.

Суд ҳайъати қонун хужжатларининг қоидаларини таҳлил қилиб, куйидагиларни белгилади:

Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 334-моддасига кўра, шартнома бўйича мажбуриятни бажармаганлик корхонани фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб ҳисобланади; у белгиланган муддатда олувчига товарни ортиб жўнатиш тўғрисида фармойиш бермаган;

ФК 153-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ даъво қилиш муддатининг туғаш даъво ради этиш учун асос ҳисобланади;

ФК 154-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига кўра, даъво муддати

## Суд ҳукм қилади

### АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНING ПОЗИЦИЯСИ

Шартномага кўра, акциядорлик компаниясининг мажбуриятига товарни тайинланган пунктга етказиб бериш пайтидан бошлаб 20 кун муддатда уни сақлашни таъминлаш қиради. Бунда у товарни мустақил равишда ортиб жўнатишга ҳақли эмас эди. Товар оморда кўрсатилган муддатдан кўп сақланган, сақлаш хизматлари-га АҚ ҳақ тўлаган. Корхона компания кўрган ушбу зарарлар суммасини қоплаши керак.

### КОРХОНАНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

Даъво қилиш муддати тугаганлиги сабабли даъвогарнинг талаблари қондирилмайди.

шахс ўзининг ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан, муайян ижро муддатига эга бўлган мажбуриятлар бўйича – ижро муддати тамом бўлгандан кейин ўта бошлайди. Низо тарафлари ўртасида тузилган шартноманинг шартларига кўра жавобгар тақдим этилган тўловномаларга 5 кун ичида ҳақ тўлаши шарт эди. Бинобарин, ушбу муддат тугагач даъво муддати ўта бошлаган;

ФКнинг 150-моддаси даъво қилишнинг умумий 3 йиллик муддатини назарда тутаяди, компания хўжалик судига мурожаат қилган пайтга келиб даъво муддати тугаган.

Юқорида баён этилганлар асосида кассация ҳайъати биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартирмасдан қолдириш тўғрисида қарор қилди.

## ШАРҲ

ФК 726-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ транспорт экспедицияси шартномаси бўйича экспедитор ҳақ эвазига ва миждоз (юк жўнатувчи ёки юк олувчи) ҳисобидан юк ташиш билан боғлиқ хизматларни бажариш ёки бажарилишини ташкил этиш мажбуриятини олади. Транспорт экспедицияси шартномаси билан куйидаги кўшимча хизматларнинг бажарилиши назарда тутилиши мумкин:

экспорт ёки импорт учун талаб қилинадиган хужжатларни олиш, божхона расмиятчиликлари ёки ўзга расмиятчиликларни бажариш; юкнинг миқдорини ва ҳолатини текшириш, уни ортиш ва тушириш;

миждоз зиммасига юклатиладиган божлар, йиғимлар ва бошқа харажатларни тўлаш;

юкни сақлаш, уни белгиланган манзилда олиш; шартномада белгиланган бошқа операциялар ва хизматларни бажариш (ФК 726-моддасининг учинчи қисми).

«Инкотермс 2000»га кўра, товарларни FOB шартларида етказиб бериш сотувчи юкни ортиб жўнатиш пунктига қадар етказиб беришини таъминлашни тақозо этади. Бинобарин, ушбу пайт бошлангунга қадар юзга келадиган барча харажатлар ва хатарлар унга юкланади.

ФК 728-моддасининг биринчи қисмида белгиланишича, экспедитор шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги, шу жумладан юкни уни олиб жўнатиш пайтига қадар сақлаганлиги учун ҳам жавобгар бўлади. Агар шартномада экспедитор товарни бир тарафлама тартибда ортиб жўнатиш ҳуқуқига эга эмаслиги назарда тутилган

бўлса, у буюртмачининг тегишли фармойишини кутиши керак (Транспорт-экспедиторлик корхоналари тўғрисидаги низом ва транспорт-экспедиторлик хизматлари кўрсатиш тартиби<sup>1</sup> 18-бандининг тўртинчи хатбошиси). Бунда буюртмачи уни ўз вақтида тақдим этиши керак, акс ҳолда экспедитор товарни буюртмачи ҳисобидан сақлашга жойлаштиришга ҳақли бўлади, агар ушбу хизматларга ҳақни ўзи тўласа, сақловчига тўланган суммани буюртмачидан етказилган зарарлар сифатида ундира олади (ФК 885-моддасининг тўртинчи қисми).

Суд кўриб чиққан низода зарарларни қоплаш тўғрисидаги даъво 2009 йилда берилган. Умумий қоидага кўра, ФКнинг 150-моддасида назарда тутилган даъво муддати тадбиркорлик субъекти унинг ҳуқуқлари бузилганлигини билган ёки билиши керак бўлган пайтдан бошлаб 3 йилни ташкил қилади. Иш материалларидан кўринишича, 2005 йилда даъвогар жавобгарга тўлаш учун тўловномаларни тақдим этган, бироқ у тўловни амалга оширмаган. Шартномада тўловнома (счёт) 5 кун мобайнида тўланиши кераклиги ҳам назарда тутилган. Тўловлар ушбу муддатда амалга оширилмаганлиги боис, даъво муддатининг ҳисобланиши 5 кун ўтган пайтдан бошланган (ФК 154-моддасининг иккинчи қисми). Акциядорлик компаниясининг зарарларни қоплаш тўғрисидаги талабига кўра у 2008 йилда тугаган.

Суд, ФКнинг 153-моддасига кўра, даъво муддатидан қатъи назар, даъво кўриб чиқиш учун қабул қилиши шарт. Агар низо тарафларидан бири даъво муддатини қўллаш тўғрисида баёнот берса, бу ҳол даъво ради этиш учун асос ҳисобланади.

Суд амалиётини «Norma» МЧЖнинг эксперт юридик бўлими таҳлил қилди.

<sup>1</sup>ВМнинг 2000 йил 9 сентябрдаги 348-сон қарори билан тасдиқланган.

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	28.10.2010	1	0,8008	1	1,1071	1	0,0261
Арманистон	28.10.2010	1	358,62	1	495,97	1	11,67
Беларусь	29.10.2010	1	3011,00	1	4160,90	1	98,15
Грузия	28.10.2010	1	1,781	1	2,4644	1	5,8263
Қозғистон	29.10.2010	1	147,57	1	204,12	1	4,80
Қирғизистон	29.10.2010	1	46,67	1	64,9622	1	1,5334
Латвия	29.10.2010	1	0,509	1	0,702804	1	0,0166
Литва	29.10.2010	1	2,495	1	3,4528	10	8,1308
Молдова	28.10.2010	1	11,8401	1	16,3678	1	0,3861
Тожикистон	29.10.2010	1	4,3852	1	6,1244	10	1,4416
Ўзбекистон	26.10.2010	1	1626,30	1	2259,78	1	53,33
Украина	28.10.2010	100	791,16	100	1092,0381	10	2,5882
Эстония	28.10.2010	1	11,3139	1	15,6466	1	0,367849

Манба: www.prime-tass.ru

УШБУ  
СОҒДА:

- ✓ ПАРЛАМЕНТ ХАБАРЛАРИ
- Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 1-бет
- ✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
- Янги хужжатларни тақдим этамиз
- Кечиккан даъво

- Валюталар курси 1-2-бетлар
- ✓ ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР
- Автомобиль сотилганда нотариусга нималар тақдим этилади?
- Якка тартибдаги тадбиркор талабага ҳомий бўла олмайдими 3-бет

- ✓ БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ
- Таълим учун ҳақ тўлаймиз, бироқ солиқни ҳам ушлаймиз
- Фақат ўз фуқаролари учун 4-бет
- ✓ ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

- Вақтинча олиб кириш вариантлари 5-бет
- ✓ НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАР
- Ишоннома ва ишонч
- ТДЮИ: дарсликлар ўрнига – компьютер дастури 6-бет
- ✓ top 7-8-бетлар

# АВТОМОБИЛЬ СОТИЛГАНДА НОТАРИУСГА НИМАЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ?

**?** Бир корхона иккинчи корхонадан автомобиль сотиб олишни режалаштирмоқда. Мазкур битим бўйича шартномани расмийлаштириш чоғида давлат нотариуси қуйидаги ҳужжатларни ҳам тақдим этишни талаб қилди: сотувчи корхона муассислари умумий йиғилишининг баённомаси ва унинг раҳбарининг автомобилни сотиш тўғрисидаги буйруғи; харидор корхона муассислари умумий йиғилишининг баённомаси ва унинг раҳбарининг автомобилни харид қилиш тўғрисидаги буйруғи. Нотариуснинг ушбу ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисида талаблари қонунийми?

Газетхон.

– Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг<sup>1</sup> 117-бандига мувофиқ, автотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимларни тасдиқлашда тарафлар ёки тарафлардан бири юридик шахс бўлган ҳолларда нотариус қуйидаги ҳужжатларни талаб қилиши керак: юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари; юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома; мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (транспорт воситасини қайд қилиш гувоҳномаси, автотранспорт воситасининг рақамли агрегатлари учун ДЙХХХ органлари ёки тракторлар, ўзиюрар шассилар, трактор тиркамалари ва ўзиюрар йўл курилиш машиналари учун «Ўздавтехназорат» томонидан берилган белгиланган шаклдаги маълумотнома);

юридик шахс ваколатли органининг автотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги ҳужжати (қарор, умумий йиғилиш баённомаси, кузатув кенгашининг қарори, буйруқ ва ҳоказо); вакилнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат (ишончнома); қолдиқ баланс қиймати тўғрисида маълумотнома; юридик шахснинг соф активлари ҳақида маълумотнома; автотранспорт воситасини тарафлар ўртасидаги баҳолаш далолатномаси; топшириш ва қабул қилиш далолатномаси (агар шартномани имзолашдан аввал автотранспорт воситаси топширилган бўлса); мулкдорнинг розилиги (агар юридик шахсга автотранспорт воситаси оператив бошқарув ҳуқуқи асосида тегишли бўлса);

давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (тўлов топшириқномаси, квитанция); тарафлар ўртасида ҳисоб-китоб қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат (ҳисоб-китоб кечиктирилган ҳоллар бундан мустасно).

Юридик шахс ваколатли органининг автотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги ҳужжати бўлиб, юқорида кўрсатилганидек, қарор, умумий йиғилиш баённомаси, кузатув кенгашининг қарори, буйруқ ва юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига боғлиқ ҳолда ҳоказолар бўлиши мумкин.

Агар битимни МЧЖ амалга оширсин, у йирик битим бўлса керак, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг (2001 йил 6 декабрдаги 310-II-сон) 44-моддасига мувофиқ, уни амалга ошириш тўғрисидаги қарор жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ёки кузатув

кенгаши томонидан қабул қилинади (агар уставда назарда тутилган бўлса). Шу тариқа, умумий йиғилиш баённомаси ёки кузатув кенгашининг қарори юридик шахс ваколатли органининг автотранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги ҳужжати ҳисобланади. Агар мазкур битим йирик битимлар тоифасига кирмаса, юқорида кўрсатилган Қонунга мувофиқ жамият директори МЧЖ номидан битимлар тузиш ваколатига эга бўлади. Бу ҳолда МЧЖ директорининг буйруғи автотранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Бошқа ҳужжатларни, айтиб ўтишнинг ўзида муассислар умумий йиғилишининг автомобиль транспортини харид қилиш тўғрисидаги баённомаси ва директорининг тегишли буйруғини ҳам тақдим этишни талаб қилиш ноқонунийдир.



<sup>1</sup>Адлия вазирининг АВ томонидан 2010 йил 30 мартда 2090-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

<sup>2</sup>Агар жамиятнинг уставига йирик битимларнинг анча катта миқдори назарда тутилган бўлмаса, бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинадиган кундан олдинги охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланган жамият мол-мулки қийматининг йигирма беш фоизидан ортиқ қийматга эга бўлган мол-мулкни жамиятнинг олиши ёки тасарруфидан чиқариши эҳтимол билан боғлиқ бўлган битим йирик битим деб ҳисобланади («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 44-моддаси).

**?** Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби ҳақида низомнинг 11-бандига мувофиқ, жисмоний ёки юридик шахслар контракт томонлари бўлиши мумкин. Якка тартибдаги тадбиркор шартнома томони бўла оладими?

Унда тўлов-контракт асосида таълим олаётган талабанингни ўқиши учун ўзининг депозит ҳисобрақамидан пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўлаш ҳуқуқи борми?

Д. Сотволдиева.

– Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби ҳақида низомнинг<sup>1</sup> 11-бандига мувофиқ, контракт томонлари қуйидагилар ҳисобланади:

а) уч томонлама контракт бўлганда бир томондан – таълим муассасасининг маъмурияти номидан раҳбар, иккинчи томондан – буюртмачи (юридик шахс) номидан раҳбар, учинчи томондан абитуриент;

б) икки томонлама контракт бўлганда бир томондан – таълим муассасаси маъмурияти номидан раҳбар, иккинчи томондан – буюртмачи (жисмоний шахс).

Олий ўқув юрти, ташкилот ва абитуриент ўртасидаги уч томонлама шартнома таълим олиб бўлинганидан кейин талабани бундан кейин ишга ёллаш шарт билан тузилади. Якка тартибдаги тадбиркорлар эса ходимларни ёллашга ҳақли эмаслар. Шу сабабли улар таълим муассаса-

тартибдаги тадбиркор таълимга ҳақ тўлаш учун фойдаланишининг қонунийлиги масаласига келсак.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда (2000 йил 25 майдаги 69-II-сон, бундан кейин – Қонун) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаоли-

чиқариш харажатлари қопланиб, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган даромади (фойдаси) улар томонидан ихтиёрий равишда ишлатилади, суд тартибдаги мажбурий ундирув ҳоллари бундан мустасно (Қонун 20-моддасининг иккинчи қисми).

а) хом ашё ва материаллар (шу жумладан, курилиш материаллари), ярим тайёр маҳсулотлар, фурнитура, асбоб-ускуналар сотиб олиш;

б) коммунал тўловлар (иситиш, иссиқ сув, ичимлик суви, оқава, электр энергияси, газ ва чиқинди учун тўловлар);

в) ижара тўловлари;

г) солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар;


д) чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан аҳолига нақд пулга сотиш мақсадида харид қилинган товарлар учун;

е) жорий фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатларни тўлаш учун.

Эҳтимол, банк ходимлари якка тартибдаги тадбиркорга ҳисобрақамидан маблағларни ўтказишига рад жавоби бериб, юқорида келтирилган меъёрни ўхшашлик бўйича қўллашар. Бироқ бу унчалик тўғри эмас, чунки депозит ҳисобрақамидан маблағлардан фойдаланиш тартибини белгилаб берадиган қонун ҳужжатлари якка тартибдаги тадбиркорга бошқа харажатларга, масалан, хайрия билан шуғулланиш, шу жумладан талабаларнинг ўқиши учун пул ўтказиш билан ҳақ тўлашни тақиқламайди.

Хозирги вақтда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар афзал кўрилатганлиги боис, қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритиб, бунда тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган кафолатларни сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ бўларди.

## ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОР ТАЛАБАГА ҲОМИЙ БЎЛА ОЛМАЙДИ



си билан уч томонлама контрактнинг томони бўла олмайдилар.

Энди депозит ҳисобрақамидан қайд этилган маблағлардан якка

тини амалга ошираётган жисмоний шахслар тадбиркорлик субъектларига киритилган бўлиб, уларга ўзларига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишларига кўра қонун ҳужжатларига мувофиқ эғаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи кафолатланади (4-модда, 18-модданинги учинчи қисми). Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг барча ишлаб

Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низом<sup>2</sup> депозит ҳисобрақамларида бўлган маблағлардан фойдаланган ҳолда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ўтказилиши бўйича ҳеч қандай чекловларни назарда тутмайди. Бироқ амалиётда банклар одатда уларнинг ўз ҳисобрақамларидаги пул маблағларини тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ бўлмаган хизматларга (товарларга) ҳақ тўлаш учун ўтказиш тўғрисидаги топшириқларини ижрога қабул қилмайдилар.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда<sup>3</sup> белгиланишича, якка тартибдаги тадбиркор банк карталаридан фақат унинг бевосита ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш ва ишларни бажариш фаолияти билан боғлиқ бўлган қуйидаги харажатлари учун тўловлар амалга оширилиши мумкин:

<sup>1</sup>Таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1999 йил 6 августда 795-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

<sup>2</sup>МБ бошқарувининг АВ томонидан 2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган таҳрирда.

<sup>3</sup>МБ бошқарувининг АВ томонидан 2008 йил 4 сентябрда 1850-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

Жавобларни «Норма» МЧЖ юристи Мария ТУХТАРОВА тайёрлади.

# ТАЪЛИМ УЧУН ҲАҚ ТЎЛАЙМИЗ, БИРОҚ СОЛИҚНИ ҲАМ УШЛАЙМИЗ



**МЧЖ ходими коллежнинг сиртки бўлимида ўқийди. Коллеж билан тузилган контрактга кўра корхона унга ходимнинг бир йил таълим олиши учун 240 000 сўм ўтказди. Ушбу суммадан даромад солиғи олиниши учун у иш ҳақиға кўшилади? Буни бухгалтерия ҳисобида ва ДСИға ҳисоб-китоб тузиш чоғида қандай акс эттириш мумкин?**

Л.Ким, МЧЖ бош бухгалтери.  
Янгийўл шахри.

– Агар маблағлар:

Ўзбекистон олий ўқув юрти билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича пулли-контракт асосида талабанинг ўқиши учун (СК 171-моддасининг 11-банди);

ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш учун (СК 171-моддасининг 15-банди) ўтказилса, корхонанинг ходимни ўқитиш харажатлари жисмоний шахснинг даромади сифатида қаралмайди ва жисмоний шахслар даромадидан олинандиган солиққа тортилмайди.

Коллеж олий ўқув юрти ҳисобланмайди, ундаги ўқиш ҳам муайян ихтисосликдаги мутахассисни тайёрлашга, унинг ўрта махсус, касбий маълумот олишига йўналтирилган. Коллежда ўқиш малака ошириш ёки ходимни қайта тайёрлаш ҳисобланмайди. Шу сабабли ходимни коллежда ўқитиш ҳақини тўлашга корхонанинг харажатларини солиқ солиш мақсадида жисмоний шахснинг моддий наф тарзидаги даромади деб тан олиш керак (СК 177-моддасининг 1-банди). Ушбу даромадларга жисмоний шахслар даромадидан олинандиган солиқ солинади, бироқ ягона ижтимоий тўлов ва сугурта бадаллари солиш объекти ҳисобланмайди.


**МИСОЛ.** Корхона сентябрда ходимнинг коллежда ўқиши учун 240 минг сўм тўлади. Ходимнинг маоши 150 минг сўмни ташкил қилади. Январь-август ойлари учун унга қуйидагилар ҳисоблаб ёзилди: иш ҳақи – 1 200 минг сўм, жисмоний шахсларнинг даромадидан олинандиган солиқ – 132 минг сўм, унга ШЖБПҲға ажратмалар ҳам киради. Сентябрьда унга 90 минг сўм миқдоридан иш ҳақи ёзилди. (Мисолни соддалаштириш учун иш ҳақи бўйича бўнак тўловлари эътиборга олинмайди).



Моддий наф тарзида ходим олган даромад (240 минг сўм) унинг жами даромадиға киритилади. Тегишинча, январь-сентябрь учун жисмоний шахсларнинг даромадидан олинандиган солиқ 1 530 минг сўмдан (1 200 + 90 + 240) ҳисобланади, у 168,3 минг сўмни ташкил қилади. Сентябрь учун даромад солиғи 36,3 минг сўмни (168,3 – 132), шу жумладан ШЖБПҲға ажратмалар 3,3 минг сўмни [(90 + 240) × 1%] ташкил қилади.

Сугурта бадали 3,6 минг сўмга (90 × 4%) тенг. Бухгалтерия ҳисобида ходимни ўқитишга ҳақ тўлаш бўйича операциялар қуйидаги проводкалар билан акс эттирилади:

Ҳужалик операциясининг мазмуни	Сумма (минг сўм)	21-сон БҲМС бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Шартномаға кўра ўқиш ҳақи суммаси ўтказилган	240	4890	5110
Ўқитишга ҳақ тўлаш бўйича корхона харажатлари ходимнинг даромадлари таркибида акс эттирилган	240	9430, 6710, 6990	6710, 6990, 4890
Сентябрь учун ходимга иш ҳақи ҳисоблаб ёзилган	90	2010, 2510 ва ҳ.к.	6710
Ҳисоблаб ёзилган: жисмоний шахсларнинг даромад солиғи	36,3	6710	6410
ШЖБПҲға ажратмалар	3,5	6410	6530
сугурта бадали	3,6	6710	6520
Ўтказилган: жисмоний шахсларнинг даромад солиғи	32,8	6410	5110
ШЖБПҲға ажратмалар	3,5	6530	
сугурта бадали	3,6	6520	
Банкдан пул маблағлари олинган ва ходимга иш ҳақи тўланган	50,1	5010, 6710	5110, 5010



Қуйидаги ҳужжатлар ходимни ўқитиш харажатларини бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларига киритиш учун асос бўлиб ҳисобланади:

ходимнинг коллежда ўқишиға ҳақ тўлаш тўғрисида буйруқ; коллеж билан корхона ўртасида тузилган шартнома; пул маблағлари коллежға ўтказилганлигини тасдиқлайдиган банк кўчирмаси.

Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бўйича ҳисоботида (МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2008 йил 21 январда 1760-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) қуйидагилар кўрсатилади:

• Тўланган даромадлар ва бюджетға ўтказилган жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғи ҳамда ШЖБПҲға бадаллар суммасининг **расшифровкасида сентябрь учун:**

**6-«Ходимларнинг шахсий эҳтиёжлари учун ушланма ва ўтказмалар» устунидан** пулли коллежға ўтказиш санасида ходим учун коллежда ўқишиға ўтказилган бутун сумма (240 минг сўм) кўрсатилади;

«ШЖБПҲға бадаллар чегирилган ҳолда операцияларни содир этиш қуниға ҳисобланган солиқ солинадиган даромад (солиқлар ва мажбурий ажратмалар чегирилган ҳолда)» **2-устунидан** – жисмоний шахслар даромад солиғи ва сугурта бадалини чегирилган ҳолда моддий нафни ҳисобга олган тарзда ходимнинг даромади – 290,1 минг сўм (90 + 240 – 36,3 – 3,6). 2-устуннинг «Ой охиридаги сальдо» сатрида 50,1 минг сўм (290,1 – 240) кўрсатилади;

**октябрь учун:**

**2-устуннинг** «Ой бошидаги сальдо» сатрида ва **5-устундан** (иш ҳақи берилган санада) 50,1 минг сўм кўрсатилади;

• III чорак учун ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисида **маълумотларда:**

«Ходимларға сентябрь ойи учун берилиши лозим бўлган солиқ солинадиган даромад суммаси (солиқлар ва мажбурий ажратмалар чегирилган ҳолда)» **012-сатрида** – 290,1 минг сўм;

«Ходимларға сентябрь ойида тўланган солиқ солинадиган даромад суммаси» **024-сатрида** 240 минг сўм;

«Ҳисобот даври охирида солиқ солинадиган даромадни тўлаш бўйича (солиқлар ва мажбурий ажратмалар чегирилган ҳолда) қарз» **031-сатрида** – 50,1 минг сўм.

Тўланган даромадлар ва жисмоний шахслар даромадиға солинадиган солиқнинг ушланган суммалари тўғрисидаги **маълумотномада** I гуруҳда солиқ солинадиган даромадлар таркибида ва, тегишинча, унинг иловаси – Ойлар бўйича ҳисоблаб ёзилган даромадлар **расшифровкасида** ҳам ўқиш учун ҳақ суммаси ҳисобга олиниши керак.

## ФАҚАТ ЎЗ ФУҚАРОЛАРИ УЧУН



**«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун (2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сон) билан жисмоний шахсларға ЎЗР олий ўқув юртларида ўқиш учун тўлашға йўналтириладиган солиқ солинадиган даромадни камайитиришни назарда тутадиган имтиёз берилади. У чет эл фуқароларига татбиқ этиладими? Ўзбекистон олий ўқув юртида ўқиётган ходимимиз Россия фуқароси ҳисобланади, яшаш гувоҳномасига эга ва Ўзбекистонда доимий рўйхатға олинган. Унинг ота-онаси, агар улардан бири чет эл фуқароси, иккинчиси эса Ўзбекистон фуқароси бўлса, имтиёзни қўллаш оладиларми?**

МЧЖ бош бухгалтери.

– 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сон Қонун билан Солиқ кодексига (СК) киритилган ўзгартишларға асосан, 2010 йил 1 январдан кучға кирган имтиёзға кўра **фуқароларнинг** солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун (ўзининг

ўқиши ёки йигирма олти ёшға тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтириладиган суммалари жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғидан озод этилади. Мазкур имтиёзни қўллаш тегишли Низом (МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2010 йил 27 майда 2107-сон билан рўйхатдан ўтка-

зилган қарори билан тасдиқланган, бундан кейин – 2107-сон Низом) билан тартибға солинади.

Шу тариқа, СК 179-моддасининг 31-банди ва 2107-сон Низомнинг 1-бандига кўра айтилган имтиёз фақат **Ўзбекистон Республикаси фуқароларига** татбиқ этилади. Бундай фуқаролар деб «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунға (1992 йил 2 июлдаги 632-ХII-сон) мувофиқ **Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олган шахслар** тушунилади.

**Мазкур имтиёз чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларға татбиқ этилмайди.**

**Бироқ имтиёздан ота-ондан бири – Ўзбекистон фуқароси фойдаланиши мумкин,**

у фуқаро бўлмаган ўз фарзанди (26 ёшға тўлмаган) Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртида таълим олишиға ҳақ тўлай олади, чунки СКнинг

179-моддаси ва 2107-сон Низомда таълим олиши учун ҳақ тўланаётган фарзанд республика фуқароси бўлиши кераклиги аниқлаштирилмаган.



Жавобларни «Norma Ekspert» гуруҳи мутахассислари тайёрладилар.



маркировка қўйлади ёки тешиб қўйлади ёхуд бирор-бир бошқа шикаст етказилади. Бундан ташқари, уларнинг миқдори ҳар бир тур, русум, модель, артикул, бичим, рангдаги ва ҳоказо товарнинг икки нусхаси билан чекланади.

Товарларнинг ушбу турига курорт иши ва туризм бўйича таништириш материаллари, таълим, фан ва маданият билан боғлиқ китоблар, даврий нашрлар, материаллар ва ҳужжатларни (шу жумладан нафақат босма усулда қўпайтирилганларини) киритиш мумкин. Улар хорижий шахснинг мулкида қолиши ва уларнинг вазифасига мувофиқ келадиган микдорда олиб кирилиши керак.

#### ИШЛАШ УЧУН УСКУНАЛАР

Ускуналарни вақтинча олиб кириш чоғида айниқса эътиборли бўлиш керак, чунки бунда турлича вазиятларга тўқнаш

вақтинчалик олиб келинган профессионал асбоб-ускуналар, қурилмалар ва анжомлар хорижий шахснинг мулки бўлиб қолса, улар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аниқ ишни бажариш учун зарур бўлса – ана шундай ускуналарга киритилади.

#### РЕКЛАМА МАҲСУЛОТИ

Хорижий шахслар томонидан олиб келинадиган **реклама материаллари** (каталоглар, прейскурантлар ва тижорат проспектилари, моделлар, плакатлар, планшетлар, рисолалар) – агар ҳар бир олувчи учун ушбу материаллар 2 нусхадан ортиқ олиб келинмаса ёхуд уларнинг умумий брутто оғирлиги 50 килограммдан ортиқ бўлмаса, 1 йилгача бўлган муддатда божхона тўловлари ва солиқлардан тўлиқ озод этилади.

Реклама фильмлари, шунингдек товарларнинг хоссалари ёки вазифасини очиб берувчи реклама учун мўлжалланган компьютерда ташиладиган ахборот – агар улар хорижий шахснинг мулки бўлиб қолса ва бир нусхадан олиб келинса, уларга қиради. Улар фақат товарларнинг эҳтимол тутилган сотиб олувчиларига кўрсатиш учун мўлжалланган.

#### УСКУНАЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ

Шунинг таъкидлаш лозимки, **таъмирлаш учун ускуналарни** республикадан ташқарига вақтинча **олиб чиқиш** қонун ҳужжатларида **назарда тутилмаган (!)**. Расман бу ҳол Божхона кодексининг 22-моддаси бирор нарсани «ўзгармайдиган ҳолатда» вақтинча олиб чиқиш ва қайтариб олиб киришга рухсат бериши билан изоҳланади. Агар бирор нарса таъмирланган бўлса, демак унинг ҳолати ўзгартирилган, бошқа нарса қайтариб олиб кирилади. Шу сабабли, технологик ускуна, бошқа мураккаб техника ишлаб чиқарувчи томонидан кафолатли таъмирланиши шarti билан сотилишини ҳисобга олиб, илгари импорт қилинган товарлар бўйича уни бажариш учун божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш режимидан фойдаланилади, бунда товарлар экспорт божлари, солиқлар тўланмаган ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланмаган ҳолда қайта ишлаш учун олиб чиқилиб, кейинчалик қайта ишлаш маҳсулотлари эркин муомалага чиқариш режимини олиб кирилади (*Божхона кодексининг 33-моддаси*).

**Маълумот учун!** Қайта ишлаш учун олиб чиқилган товарлар қайтариб олиб кирилганида импорт божхона божлари ва солиқлар тўланмайди.

**Таъмирлаш учун ускуна** вақтинча **олиб кириш мумкин**, агар у хорижий шахсга тегишли бўлса ва даромад олиш учун фойдаланилмаса. Маску товарлар гуруҳига асбоб-ускуналар (шу жумладан реставрация асбоб-ускуналари) ва материаллар, четдан вақтинча олиб келинган асбоб-ускуналар ва материалларни, анжомларни таъмирлашга мўлжалланган эҳтиёт қисмлар, шунингдек бундай асбоб-ускуналар ва материалларни сошлаш, назорат қилиш ва таъмирлаш учун мўлжалланган инструментлар қиради.

#### ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КООПЕРАЦИЯСИ

Божхона тўловларини тўлашдан 1 йил муддатга буткул озод қилинган товарларнинг яна бир гуруҳи бор. Бу – ишлаб чиқариш кооперацияси доирасида вақтинчалик четдан олиб келинадиган **чизмалар, режалар, моделлар, штамплар, матрицалар, клишелар, босма шакллар ва шунга ўхшаш бошқа буюмлар, назорат-ўлчаш асбоблари ва инструментлар**. Улар асосан экспортга мўлжалланган товарларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган, хорижий шахснинг мулки бўлиб қолади, бироқ Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахслари томонидан фойдаланилади.

#### ҚАЙТАРИЛАДИГАН ИДИШЛАР

Бу, чамаси, вақтинча олиб киришда энг кам муаммо туғдирадиган ҳолдир. Асосийси, товарга илова қилинувчи ҳужжатлар, яхисиси контракт ҳам, ушбу буюмлар айна етказиб берувчига қайтариладиган **идиш** сифатида олиб кирилишини назарда тутсин. Уларнинг аниқ миқдори ва нархини албатта кўрсатиш лозим.

Бунда буюртмачи томонидан қайта ишланган тайёр маҳсулотни жойлаштириш учун тақдим этиладиган идишнинг ҳам ёддан чиқармаслик керак. Уни реэкспорт божхона режимини расмийлаштириш мумкин, бунда, Божхона кодексининг 20-моддасига кўра, хорижий товарлар Ўзбекистонда иқтисодий сиёсат чораларини қўлламасдан ва импорт божхона божлари ҳамда солиқларини ундирмасдан ёки қайтарган ҳолда олиб чиқилади. Ушбу божхона режимини жойлаштириш учун олиб кириладиган идиш хусусида декларацияланган реэкспортда баёнот берилади ва божхона органига божхона юк декларацияси, контракт ҳамда кафолат хати тақдим этилади. Кафолат хатида товарларни 6 ой мобайнида олиб чиқиш, олиб чиқилмаган тақдирда эса – қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча тегишли божхона тўловларини тўлаш мажбурияти олинади.

**Албатта, биз товарларни вақтинча олиб киришнинг барча вариантлари тўғрисида ҳикоя қилганимиз йўқ. Амалиётнинг кўрсатишича, ушбу режимда нозик ва мураккаб жиҳатлар етарлича. Вақтинча олиб кириш масалалари қонунчилигимизда етарлича тартибга солилмаган. Шу сабабли бирор нарсани вақтинча олиб кириш ёки олиб чиқишни режалаштирсангиз, минтақангиздаги малакали брокерлардан олдиндан маслаҳат олишни тавсия қиламиз.**

## ВАҚТИНЧА ОЛИБ КИРИШ ВАРИАНТЛАРИ

**Вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш), унинг асосий қоидалари, муддатлари ва товарларни мазкур режимда жойлаштириш учун зарур бўлган расмийликлар тўғрисида аввал ёзган эдик. Бироқ ТИФ иштирокчиларининг мурожаатлари ушбу мавзудаги суҳбатни давом эттириш зарурлигини кўрсатяпти. Хорижий ҳамкор билан ишлайдиган тадбиркор кўпинча бирор нарсани вақтинча (бир ҳафта, ой, икки-уч йилга) олиб кириш ёки олиб чиқиш зарурати билан тўқнашади. Унга бирор нарсани чегара орқали нима учун ва қанча муддатга олиб ўтиши тўғрисида божхонада бериладиган саволларга жавобига қараб вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) тартибга солинади.**

Ушбу масала бўйича асос бўлувчи ҳужжат Божхона кодексидир. Унинг 22-23-моддалари товарларни ўзгармаган ҳолатда қайтариб олиб чиқиш (олиб кириш) мажбурияти билан 2 йилдан кўп бўлмаган муддатга вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш)га йўл қўяди. Бироқ моддалар амалиётдаги барча ҳолатларни акс эттирмайди. Шу боис Кодекс меъёрларини қўллаш тартиби **Вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) божхона режими тўғрисидаги низом<sup>1</sup>** билан белгиланган.

Бироқ аввал ушбу режим нима учун кераклигини тушуниш лозим. У божхона тўловларидан озод қилиш ёки уларни камайитириш ва стандартларга мувофиқлик юзасидан сертификатлаштиришни истисно этиш учун керак. Вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) режимини яқин расмийлаштирилганида, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 апрелдаги 204-сон қарорига<sup>2</sup> кўра, божхона қийматининг 0,2 фоизи миқдорда, бироқ энг кам иш ҳақининг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда божхона йиғимлари тўланади.

#### Маълумот учун! Божхона йиғимлари:

давлат музейлари, кутубхоналар, архивларнинг ва Ўзбекистон Республикаси маданий бойликлари давлат томонидан сақланадиган бошқа жойларнинг фондларида доимий сақланишда бўлган вақтинча олиб кириладиган ва қайтариб олиб чиқиладиган маданий бойликлар; юқорида санаб ўтилган ташкилотлар томонидан уларни намойиш қилиш мақсадида вақтинча олиб чиқиладиган ва кўргазмалар, вернисажлар ва шу каби тадбирлар ўтказилганидан кейин қайтариб олиб кириладиган маданий бойликлар божхонада расмийлаштирилганида ундирилмайди.

Вақтинча олиб кириш божхона режимини баёнот берилган товарларнинг катта гуруҳи бож ва солиқлар солинишидан тўлалигича озод қилинган. Улар **Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар ва транспорт воситаларини четдан вақтинчалик олиб келиш қоидаларида<sup>3</sup>** кўрсатилган.

Бир йилгача муддатга божхона божлари ва солиқларини тўлашдан озод қилинган товарларнинг кўп учрайдиган бир неча гуруҳларини кўриб чиқамиз<sup>4</sup>. Бунда хорижий фирма ва ташкилотлар ваколатхоналарининг офисларини жиҳозлаш ва мол-мулк, шунингдек транспорт воситалари, контейнерлар ва ҳоказоларнинг давлат чегараси орқали ҳаракати масалаларига тўхталмаймиз. Зеро ушбу ҳолатларга ТИФ иштирокчилари кўп дуч келмайдилар.

#### НАМОЙИШ ҚИЛИШ УЧУН ТОВАРЛАРНИНГ НАМУНАЛАРИ

Олди-сотди, айирбошлаш, консигнация, маркетинг, биргаликдаги фаолият тўғрисидаги ва бошқа шартномалар бўйича **товарлар намуналарини** олиб кириб бўлмаслигига эътиборингизни қаратамиз. Улар фақат уларга буюртмалар олиш учун мўлжалланиши ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун яроқли бўлмаслиги керак. Шу сабабли намуналарга ўчмайдиган

келиши мумкин. Аввало ускунадан ким – сиз ёки ҳамкорларингиз фойдаланишини аниқ белгилаб олиш зарур. Агар корхонангиз фойдаланса, бу ижара ҳисобланиб, унинг учун вақти-вақти билан божхона тўловларини тўлаш лозим. Агар ускунадан ҳамкорингизнинг хизмат сафарларига келадиган ходимлари фойдаланишса (масалан, ишга тушириш-созлаш ишлари учун) – бу чет элликларнинг «профессионал ускунаси» бўлиб, уни 1 йилгача муддатга божхона божлари ва солиқларидан тўлиқ озод қилиб, вақтинча олиб кириш мумкин. Буларнинг ҳаммаси ҳамкорларингиз билан шартномалар, битимлар ва бошқа ҳужжатларингизда етарлича батафсил қайд этилиши керак. Дарвоқе, отвѐртка ёки электр дрель сингари майда-чуйдаларни чет эллик ўзининг шахсий буюмлари сифатида вақтинча олиб кириши, бунда уларни қайтариб олиб кетиш мажбуриятини олиши мумкин.

Бироқ шуни билиш лозимки, божхона тўловларидан озод этиладиган рўйхатдан саноат ишлаб чиқариши, товарларни ўраш ёки табиат ресурсларидан фойдаланиш, ер ишларини бажариш, бинолар, иморатлар, иншоотлар қуриш ва таъмирлаш ҳамда шунга ўхшаш ишларни бажариш учун фойдаланиладиган асбоб-ускуналар истисно этилади.

Касб асбоб-ускуналари (шу жумладан ёрдамчи аппаратлар ва анжомлар) ҳам, агар улар хорижий шахснинг мулки бўлиб қолса, улар томонидан олиб келинса ва уларга республика ҳудудида аниқ ишни бажариш учун зарур бўлса, божхона тўловларидан озод этилади.

Қутқариш, даволаш муассасаларига ҳамда бошқа тиббиёт муассасалари ва ташкилотларига вақтинча фойдаланиш учун текин бериладиган қутқариш, тиббиёт ва лаборатория асбоб-ускунаси – агар четдан вақтинча олиб келинган асбоб-ускуна ушбу муассасалар ва ташкилотлар томонидан мурувват, қутқарув, ташхис қўйиш ёки даволаш мақсадларида фойдаланиш учун мўлжалланган бўлса ва уни етказиб бериш Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра амалга оширилса – озод қилинганлар гуруҳига қиради.

Профессионал кинематография асбоб-ускунаси, матбуот, радио ёки телевидение жиҳози, кўрсатиб ўтилган асбоб-ускуналарга ёрдамчи қурилмалар ва анжомлар – агар четдан

#### БИЗНИНГ МАЪЛУМОТНОМА

Товарларни бирор-бир давлатга вақтинча олиб кириш халқаро амалиётда анча кенг қўлланади. Ушбу божхона режими тўғрисидаги қоидалар кўпгина халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда, хусусан янгиланган **Божхона таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш бўйича халқаро конвенцияда<sup>5</sup>** (Киото конвенцияси) акс эттирилган. Истанбулда тузилган **Вақтинча олиб кириш конвенцияси<sup>6</sup>** буткул унга бағишланган. Товарларнинг аниқ тоифалари учун вақтинча олиб кириш қоидаларини белгилайдиган кўплаб бошқа халқаро битимлар, масалан, контейнерлар ва кўргазмалар бўйича конвенциялар мавжуд.

<sup>1</sup>ДБКнинг АВ томонидан 2004 йил 14 октябрда 1418-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

<sup>2</sup>«Божхона йиғимлари ставкалари тўғрисида».

<sup>3</sup>ВМнинг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар ва транспорт воситаларини четдан вақтинчалик олиб келиш шартлари тўғрисида» қарорига (2004 йил 17 августдаги 399-сон) илова.

<sup>4</sup>Ушбу муддат тугаганидан кейин уларга нисбатан вақтинча олиб киришнинг бундан кейинги муддатига даврий божхона тўловлари қўлланади, Ўзбекистон қонун ҳужжатларида божхона божлари ва солиқларидан тўлиқ озод этиш назарда тутилган товарлар бундан мустасно.

<sup>5</sup>Киото, 1973 йил 18 май. 1999 йил 26 июндаги Баённома тахририда.

<sup>6</sup>Истанбул, 1990 йил 26 июнь.

«Ташқи иқтисодий фаолият» бўлимини Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.

## ИШОНЧНОМА ВА ИШОНЧ

**Машҳур кинофильмдаги шоҳ Иван Грозний вазифасини вақтинчалик бажарувчи Иван Васильевични эсланг. У ҳақиқий шоҳ номидан қанча ишларни амалга оширмади дейсиз...**

Бу, албатта, бир кино. Аммо ҳаётда шундай вазиятлар бўладики, сизнинг номингиздан бошқаси (қариндошингиз ёки дўстингиз) ишларни амалга оширишига тўғри келади. Муҳими, унга ишонишингиз керак. Бундай ишонч эса ишончнома орқали расмийлаштирилиши мумкин. Ишончнома қандай ҳужжат? У кимга ва қандай муддатга берилади? Шайхонтохур туман 7-сон нотариал идораси нотариуси Мавлуда МАНСУРОВА шу ҳақда хикоя қилади.

– Юртдошларимиз кўпчилиги баъзан мушкул аҳволдан чиқишининг йўли ишончнома эканлигини яхши билишади. Оддий мисол: енгил автотранспорт воситаси оила каттаси – ота номига расмийлаштирилган бўлиб, унинг 18 ёшдан ошган ва ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлган ўғли ҳам бор. Ота айрим сабаблар боис автомобилни бошқармоқчи эмас. Шундай экан, фарзандига ишончнома бериш орқали мазкур автомобилни бошқариш ҳуқуқини бериши мумкин.

Шундай йўл билан айрим муаммолар хамирдан қил сургундек осонгина битса-да, баъзан таваккалчиликка йўл қўйиш мураккаб вазиятларни келтириб чиқаради. Шу сабабли ишончномани кимга бериш ва мазкур ҳужжат ҳақида асосий жиҳатларни билиш фуқаро учун муҳим аҳамиятга эга.

Фуқаролик кодексига кўрсатилишича, бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома дейилади. Ишончли вакил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради. Шунингдек, ишончнома юридик шахс номидан берилиши ва юридик шахсга ҳам берилиши мумкин. Фақат бундай ҳолда ишончнома юридик шахснинг уставига (низомида) кўрсатилган фаолият мақсадларига зид бўлмаган битимларни тузиш учунгина берилади. Ишонч билдирувчи ишончли вакилга ишончнома берар экан, унга ўз номидан ҳаракатни амалга оширишига ишониши керак.

Амалиётдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ишончномалар мазмунан кўйидаги кўринишга эга. Масалан, шартномалар имзолаш, турар жой ёки машинани сотиш ва сотиб олиш мақсадларида бериладиган ишончномалар мавжуд бўлиб, бундай ҳужжат билан фақат бир марталик ҳаракатлар амалга оширилади. Шунингдек, маълум белгиланган муддат ичида бир қатор ҳаракатларни амалга ошириш учун бериладиган махсус ишончномалар ҳам кўп учрайди. Бундай ҳолда ишонч билдирувчи мол-мулкни ишончли вакилнинг ихтиёрига топширади. Ишончли вакил эса мол-мулкка эгалик қилиш давомида бир қатор ишларни бажаради, дейлик, уйни ижарага бериши ёки сотиши мумкин бўлади.

Демак, бу каби мураккаб вазифалар бажарилишини назарда тутадиган ишончномалар ёзма равишда бўлиши ва нотариал равишда тасдиқланиши лозим. Ушбу ҳужжат ишонч билдирувчи номидан ёзилиб, унда ишончли вакилнинг тўлиқ ваколати, унинг қайси муассасада қандай ҳаракатларни амалга ошириши аниқ акс эттирилади.

Ишончнома кимгадир аталган ҳужжат бўлгани учун унда кимга берилган ва ким бераётгани кўрсатилади.

Ишонч билдирувчи ишончномани расмийлаштириш мақсадида нотариал идорага паспорти билан ташриф буюриши керак. Аммо ишончномани тузиш ва тасдиқлаш жараёнида ишончли вакилнинг иштироки талаб этилмайди.

Ишончли вакил ҳақидаги, шунингдек, ишончнома объекти ҳақидаги маълумотлар ишончнома берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ёки унинг сўзларига асосан ёзилиши мумкин. Ишончли вакил ҳақидаги, шунингдек, ишончнома объекти ҳақидаги маълумотлар ишончнома берувчининг сўзларига асосан ёзилган ҳолларда берилган маълумотларнинг тўғрилиги учун ишончнома берувчи масъулдир. Бу ҳақда ишончнома матнида ва тасдиқловчи ёзувда қайд этиб кўйилади.

Ишончнома матнида унинг тузилган (имзоланган) жойи ва санаси, ишонч билдирувчи ва ишончли вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми (юридик шахснинг тўлиқ номи ва жойлашган ери (почта манзили), СТИР), доимий рўйхатга олинган манзили каби маълумотлар бўлиши керак.

### ҲУЖЖАТНИНГ БОШҚА ШАКЛЛАРИ

Ишончнома нафақат нотариал идора, балки ишонч билдирувчи ишлайдиган ёки ўқидиган ташкилот, у яшайдиган уйга хизмат кўрсатувчи уй-жойдан фойдаланиш ташкилоти, ўзининг яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёхуд фуқаро доволанишда бўлган даволаш муассасасининг маъмурияли томонидан ҳам тасдиқланиши мумкин. Бундай ишончномалар шакли эса хат-хабарларни, шу жумладан пул ва посилкаларни олишга, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни олишга, муаллифлар ва кашфиётчиларга тўланадиган ҳақларни, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек, банк муассасаларидан суммаларни олиш учун берилади.

Бундан ташқари, **нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилган ишончномалар** ҳам мавжуд

бўлиб, бу қоида нотариус бўлмаган ёки узоқда бўлган ҳолларда амал қилади. Масалан, ҳарбий госпиталда даволанаётган фуқаро кимгадир ишончнома бермоқчи бўлса, бу ёзма ҳужжатни госпиталь бошлиғи ёки унинг тиббий қисм бўйича ўринбосарлари, катта ва навбатчи шифокорлари тасдиқлашлари мумкин.

### МУДДАТ УЗОҚ ЭМАС

Ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилади. Агар муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб фақат бир йил мобайнида юридик кучга эга ҳисобланади. Берилган куни кўрсатилмаган ишончномага ҳақиқий эмас деб қаралади.

Умуман олганда, ишончноманинг амал қилиши кўйидаги ҳолларда бекор бўлади:

- ишончнома муддати тугаганда;
- ишончнома берувчи уни ўзи бекор қилганда;
- ишончнома берилган шахс бундай ваколатдан бош тортганда;
- номидан ишончнома берилган юридик шахс фаолияти тўхтатилганда;
- номига ишончнома берилган юридик шахс фаолияти тўхтатилганда;
- ишончнома берган фуқаро муомалага лаёқатсиз бўлганда, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб ҳисобланганда ёхуд вафот этганда;
- ишончнома олган фуқаро муомалага лаёқатсиз бўлганда, муомалага лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб ҳисобланганда ёхуд вафот этганда.

Ишончнома берган шахс истаган вақтда ишончномани бекор қилиши ва нотариусга борган ҳолда бу қарорини расмийлаштириши мумкин. Аммо унинг қароридан ишончли вакил тезда хабардор қилиниши лозим. Акс ҳолда тегишли ўзгаришдан ўз вақтида хабар топмаган ишончли вакил ишончнома бўйича ўз ҳуқуқини сақлаган бўлади. Худди шундай, ишончнома берилган шахс ҳам хоҳлаган пайтида белгиланган ваколатларни бажаришдан воз кечишга ҳақи бор.

### ИШОНЧЛИ ВАКИЛ ЎЗ ВАКОЛАТИНИ АМАЛГА ОШИРОЛМАСА...

Ишончноманинг амал қилиши бекор бўлиши билан уни бошқа шахсга ўтказиш ҳам ўз кучини йўқотади.

Дарвоқе, ишончномани бошқа шахсга ўтказишни қандай тушуниш мумкин?

Дейлик, ишонч билдирувчи ўз номидан ҳаракат қилиши учун ишончли вакилга ўз ваколатини топширди. Ҳаттоки, бу ҳақда нотариал тарзда тасдиқланган ишончнома ҳам бор. Аммо, ишончнома олган фуқаро уни берган шахснинг ишончини оқлашга ожиз. Айтиш жоизки, бундай ҳолатда ишончли вакил ишончнома бўйича ваколатини бошқа шахсга ўтказди. Мисол тариқасида кўйидаги воқеани келтиришнинг ўзи кифоя.

Файзиевлар оиласи бошқа мамлакатга кўчиб кетиши боис ҳовли-жойини тасарруф этиш ҳуқуқини яқин дўсти М.га ишонди. М. эса кўп ўтмай автоҳалокатга учради ва оғир хасталанди. У қадрдон дўстининг ишончини оқлаш учун ҳовли-жой билан боғлиқ айрим ишлар: фойда ёки сарф-харажатларни амалга оширишга қодир эмас эди. Шу боис дўсти қайтиб келгунча унга тегишли ҳовли-жойлар яшнаб туриши, хароб аҳволга тушмаслиги ҳақида ўйларди. Ниҳоят, унга бу борада маслаҳат берувчилар, мушуқлини осон қилувчилар топилди. Авваломбор, ишончнома берилган шахс ўз ваколатидаги ҳаракатларни шахсан ўзи амалга ошириши шарт. Башарти, унга ишончнома билан ваколат берилган бўлса ёки уни ишончнома берган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилишга шароит мажбур қилса, у ҳаракатларни амалга ошириши бошқа шахсга ўтказиши мумкин.

Ваколатларнинг бошқа шахсга берилишига асос бўлган ишончнома эса нотариал тасдиқланган бўлиши керак. Шунингдек, бошқа шахсга ўтказиш бўйича берилган ишончноманинг амал қилиш муддати унинг берилишига асос бўлган асосий ишончноманинг амал қилиш муддатидан ошиб кетиши мумкин эмас.

Ваколатларини бошқага берган шахс ишончнома берган шахсга буни маълум қилиши ҳамда мазкур шахс ва унинг яшаш жойи тўғрисидаги зарур маълумотларни хабар қилиши керак. Мазкур бурчлар бажарилмаса, ўз ваколатларини бошқага берган шахс ундан ваколат олган шахснинг ҳаракатлари учун худди ўзининг ҳаракатлари каби жавобгар бўлади.

Сабоҳат НОРБЎТАЕВА тайёрлади.

### Баркамол авлод йили

## ТДЮИ: ДАРСЛИКЛАР ЎРНИГА – КОМПЬЮТЕР ДАСТУРИ

**Тошкент давлат юридик институти (ТДЮИ)нинг кутубхона фонди ва талабалар дарсликларининг якка тартибдаги комплеклари янги ўқув DVD-қўлланмалар билан тўлдирилди.**



Уларнинг ноёблиги ахборотнинг фақатгина рақамли ифодаловчилари эмаслигида кўринади. DVDга дискдан туширилган ресурс базали, кўпгина параметрлар

бўйича автоматлаштирилган изланиш, маълумот берувчи аппарат кабилари бўлган тўлақонли ахборот излаш тизими ёзилган. Энди институт кутубхонасида – шахсий компьютери бўлган талабалар, магистрантлар, ўқитувчилар учун эса олий ўқув юртидан ташқарида ҳам юриспруденция бўйича ўқув материалларининг ягона электрон тўпламидан фойдаланиш имкони яратилган. Бу эса жуда катта ютуқ. Дарсликлар ва маълумот берувчи китобларга кўмилиб, зарур маълумотларни излаб Интернет тармоғида сайтдан сайтга ўтиб юришнинг энди ҳолати қолмади.

Тошкент юридик институти учун янги DVD-қўлланмалар ҳуқуқий ва иқтисодий ахборот қидирув тизимларини барпо этишда каттагина тажрибага эга бўлган «Norma Hamkor» компанияси мутахассислари иштирокида ишлаб чиқилди. Янги қўлланмаларнинг дастлабки фойдаланувчилари таъкидлашчи, ўқитиш, ахборотни излаш ва ўзлаштириш жараёни янада ихчамлашди: нафақат вақт, балки, саъй-ҳаракатлари ҳам тежалаяпти.

Олий ўқув юрти ходимлари ва «Norma Hamkor» компанияси мутахассисларининг ўқув жараёнини электрон ўқув материалларига ўтказиш бобидаги ҳамкорлигини давом эттириш таълим муассасаси учун устувор вазифалардан бирини ҳал этишга имкон беради деган фикр ҳам айтил-



ди. Жорий йилнинг ёз ойида қабул қилинган ҳукумат қарори билан қоғоздан фойдаланишни қисқартириш ва уни тежаш билан биргаликда, компьютер техникасини самарали жорий этишга, ахборот-коммуникация технологияларини, электрон ҳужжат айланувини қўллашни кенгайтиришга йўналтирилган ҳужжат айланувини қўллашни кенгайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи белгиланди. Ўқув материалларининг электрон кутубхонаси билан ишлаб, ТДЮИ талабалари – бўлғуси юристлар умумий қоидаларни ўзлаштириб, меъёрий-ҳуқуқий ахборот, ҳужжатларни электрон шаклда сақлаш ҳамда уларга ишлов бериш учун мўлжалланган дастурий таъминотдан фойдаланиш кўникмаларига эга бўладилар. Ушбу билим ва кўникмалар келгусида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида ишлайдиган ёки аҳолига юридик хизматлар кўрсатган ҳолда давлат органлари билан ҳамкорлик қиладиган мутахассислар учун жуда қимматли бўлади.

Ўз ахборотимиз.


\*Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилонга фойдаланишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори (2010 йил 22 июлдаги 155-сон).

# ТОП


ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслахатчи» N 43 (276) 2010 йил 30 октябрь

МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ



**АНДИЖОН  
КАБЕЛЬ  
ЗАВОДИ**



ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

**РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА  
СИФАТ ВА КАФОЛАТ**



Тошкент ш., Қибрай (собиқ М.Жалил) кўч., 92. Тел.: 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

**РЎЙХАТЛАР**

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 27 октябрдаги қарорларига асосан Собир Раҳимов туманидаги тугатилаётган корхоналар

**РЎЙХАТИ**

Корхона номи	СТИР	Раҳбар исм-шарифи	Юридик манзили	Қарор рақами
"GOVINGTON CROSS SERVICE" ХК	301402828	Ф.Эшқуватов	Форобий-332	10-014/17051-т
"BINOKOR-TAOM-OMAD" МЧЖ	300014740	А.Азимов	Қорақамиш 2/1, 14а-28	10-014/17033-т
"OMAD-STILE" МЧЖ	205738661	Х.Алимжонов	Спутник 1-тор кўч., 15	10-014/17052-т
"SHER SERVIS PLYUS" ХК	301351869	Ж.Махаматхонов	Тансиқбоев-1, 11-54	10-014/17049-т
"INTIZOM DAVRI" ХК	301432695	Д.Тохтахонов	Нозимахоним кўч., 26	10-014/17048-т
"DILSHOD MAHMUD SAVDO" МЧЖ	301513887	М.Эгамназаров	Тансиқбоев-2, 7-55	10-014/17047-т
"MUSHI-M" ХК	200994927	Т.Шохошимов	Беруний кўч., 1-96	10-014/17046-т
"AMIR AZIYA TRADE" МЧЖ	206938855	Т.Хожи-Охунов	Сағбон т-4, 42а	10-014/17053-т
"SUNNAT-QURILISH INSHOATI" ХК	300931638	С.Раупов	Пахта кўч., 12	10-014/17043-т
"BILLUR BIZNES" МЧЖ	301341477	Ш.Раҳимов	Шумилов кўч., 18-12	10-014/17029-т
"MASTERY SECRET BUSINESS-TRADE" ХК	301163611	Ф.Ахмедов	Қорасарой-324	10-014/17041-т
"SATURN-BIZNES" МЧЖ	205598609	С.Моисеев	Қорақамиш 1/2, 17а-47	10-014/17050-т
"MATLAB-AGRO" МЧЖ	205082174	М.Ибрагимова	Зарқайнар т-2, 7	10-014/17054-т
"TEKNIKPAPERINVEST" МЧЖ	301129826	Ш.Азизов	Т.Хофиз кўч., 7	10-014/17044-т
"SAYHUN INDUSTRIAL" МЧЖ	300990953	А.Юлдашев	Юнусобод-14, 1-44	10-014/17040-т
"SHARQ MA'RIFAT ZIYO" ХК	301212794	И.Ахмедов	Қорақамиш 1-1, 23-51	10-014/17034-т
"FRUT MSM-SERVIS" ХК	206545808	А.Хатамов	И.Мадалиев кўч., 11	10-014/17025-т
"ZARIN AVTO OPTIMA" ХК	301482950	Х.Гелдиев	Шифокорлар ш., 96-24	10-014/17031-т
"OILA PEDAGOGIKASI" МЧЖ	206998513	С.Абдуллаева	Саидов кўч., 6	10-014/17035-т
"VKUS EKZOTIKI" МЧЖ	301286348	Н.Турдиоҳунов	Тансиқбоев-1, 11-37	10-014/17022-т
"ZARHAL SAVDO" ХК	301055524	М.Асқаров	Байроқтол-36б	10-014/17027-т
"DILSHOD LAZIZ SERVIS" МЧЖ	300091093	Д.Раҳимбердиев	ТошПИ, 10-30	10-014/17037-т
"BUMERANG FAYZ" ШЖ	300936504	С.Расулов	Миробод тум., Бухоро-1	10-014/17055-т
"ARK-BIZNES" МЧЖ	205276613	Р.Султонов	Бобожонов-15	10-014/17030-т
"VALIANT BUSINESS" МЧЖ	300823225	М.Мадумарова	ТТЗ-2, 58-25	10-014/17039-т

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари ҳамда бирламчи таъсис ҳужжатлари ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари бекор қилинади. Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Собир Раҳимов тумани ҳокимияти махсус комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан туман махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда давлат реестридан чиқарилади.

Тел.: 227-15-73, 228-68-90, 228-07-54.

\*\*\*

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 5 октябрдаги 10-1017/15535(19)-сонли ҳал қилув қарорига асосан Мирзо Улуғбек туманидаги "BINOS MAGNAT" МЧЖ банкрот деб эътироф этилган ва тугатишга оид иш очилган. Мазкур корхонанинг топширилмаган думалоқ муҳр ва бурчак штамп, корхона давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари ва таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинди. Ушбу корхонага нисбатан талаб, таклиф ва эътирозлар 1 ой давомида Тошкент ш., Шаҳриобод кўчаси, 314-уй, Мирзо Улуғбек туман ДСИ биносида қабул қилинади. Тел. 262-00-98.

"Интеграл стар" ХК таклиф қилади

## ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

«UNIKS-STAR» МЧЖ

## НАСОСЛАР

чуқурликлар учун ЭЦВ 4, 6, 8, 10 туридаги ВК туридаги, Вихрли дренаж учун ГНОМ туридаги ЦМК туридаги фекаль К туридаги, Консоль "Анджжанец" насоси

189-10


Товар сертификатланган

ТЕЛ.: 253-97-60, 188-98-38, WWW.NASOS.UZ


## «CHILONZOR ULGURJI SAVDO» МЧЖ

- Гипсокартон учун рух қопламадан профиллар
- Шип учун осма тизимли «Armstrong» плиталари
- Кабель маҳсулоти
- Бўёқлар, алиф мой, лок
- Кир ювиш кукуни, совун
- Электродлар
- Кальций карбиди
- Битум, рубероид
- Линолеум
- Куруқ қурилиш аралашмалари
- Алебастр
- Белкураклар, челақлар, болталар
- Мўйқаламлар, валиклар, колерлар
- Қулфлар (ўйма ва осма)
- ПВА елими, КМЦ
- Ёзув-чизув товарлари ассортиментда

Буюртмага



Шунингдек 500 дан ортиқ номланишда



361-10

Тел.: (8-371) 140 00 12, 140 04 12; (+99897) 334 2233, 434 5250  
Манзил: Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 42, 109-офис. E-mail: chsu.torg@mail.ru



## РЕКЛАМА

237-51-33, 237-47-20, 237-47-05

Олмалиқ шаҳридаги куйидаги корхоналар бўйича тугатиш жараёни бошланган:

Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2009 йил 11 мартда рўйхатдан ўтган "NIYAT BARAKA PLYUS" ХК (СТИР 300685484) бўйича 2010 йил 7 октябрдаги таъсисчи қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Тошкент ш., Қибрай тумани, Зебинисо кўчаси, 27-уй, 39-хонадон. Тел. +99897-466-72-77.

Олмалиқ шаҳар ҳокимлигидан 2001 йил 20 августда рўйхатдан ўтган "ОБОДОНЧИЛИК ҚУРИЛИШ" МЧЖ (СТИР 203684455) бўйича 2009 йил 27 февралдаги таъсисчи қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалиқ ш., Эски депо кўчаси, 1-уй. Тел. +99894-665-78-94.

Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2007 йил 31 майда рўйхатдан ўтган "ABZAL-OTABEK-SERVIS" ХК (СТИР 300471324) бўйича 2009 йил 25 сентябрдаги таъсисчи қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалиқ ш., V-2 к/н, 1-уй, 92-хонадон. Тел. +99897-157-61-54.

\*\*\*

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 25 октябрдаги 10-1019/16116-сонли ҳал қилув қарорига асосан Учтепа туманидаги "MEHR JALOL FAYZLI" МЧЖ ҳамда 10-1019/16117-сонли ҳал қилув қарорига асосан "OFTOV-NURI" МЧЖ банкрот деб топилган. Тугатув бошқарувчилари этиб А.Худояров ва Б.Бобомуродов тайинланган. Мазкур корхоналарга тегишли думалоқ муҳр ва учбурчакли тамгалар ҳамда бирламчи таъсис ҳужжатлари ва Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари бекор қилинган. Давлолар 45 кун мобайнида Тошкент ш., М.Шайхзода кўчаси, 1а-уй, 309-хонада қабул қилинади. Тел. 275-95-10.

УзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сонли гувоҳномаси,  
28.03.2008 йилдаги 00642-сонли лицензия.

**"AMIR-AUDIT" МЧЖ**

- Хамма турдаги аудиторлик хизматлари
- Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Устав капиталими - УзРдаги 5000 ЭКХдан ортик  
САР сертификатига эга аудиторлар керак.

Тел.: 409-04-23. Факс: 294-77-48

**"Аудит-ВАРН" МЧЖ**  
аудиторлик ташкилоти

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУТУН ХУДУДИДА, БҲМС ВА МҲС БЎЙИЧА ИСТАЛГАН ТУРДАГИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

126-10

2008 йил 16 майдаги 000172-сон лицензия

Тел.: 8(371) 2762099, уяли: +998971192248  
Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 42  
Тошкент вил., тел. +998974541664

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЗНЕС ПАНОРАМАСИ

**top**

237-51-33  
237-47-20  
237-47-05

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

**ЭЪЛОНЛАР**

**ИШ**  
Ишлаб чиқариш-инжиниринг корхонаси танлов асосида юрис-консулт лавозимига ишга қабул эълон қилади.  
Лавозим мажбуриятлари: корхона фаолиятини тўлиқ ҳуқуқий таъминлаш.  
Талаблар: о/м (Ўзбекистон), камида 5 йиллик стаж, рус ва ўзбек тилларини билиш, киришимлилик, укувлилик, хизмат сафарларига чиқишга тайёрлик.  
Резюмени hrstroy@qse.uz e-mail га юборишингизни сўраймиз.  
Алоқа боғлаш телефони: 150-41-14.

**ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР**  
Кўчмас мулк бўйича юрист мас-лахатлари. Кадастр\*.  
Тел. 448-74-69.

«ADVOKAT ELITE». Судларда ва-киллик қилиш. Корхоналар, ва-колатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш\*.  
Тел.: 281-52-39, 448-74-69.

**БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИ**  
Бухгалтерия хизматлари. Ҳисоб-бот. Тўлов – пул ўтказиш йўли билан.  
Тел. 104-96-23.

**ЭЪЛОНЛАР**

**АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ**  
Аудиторлик, бухгалтерия хизмат-лари\*. Тел.: 370-63-06, 263-77-29.

**ХИЗМАТЛАР**  
Картижларни тўлдириш! Зудлик билан! Тошкент бўйича. Тўлов – исталган шаклда.  
Тел. 380-73-71.

Компьютерлар ва ташкилий техникага тез ёрдам. Жойига чи-қиш бепул! Тўлов – исталган шаклда. Тел. 380-73-71.

Сервис маркази: ташкилий тех-ника, мониторлар, ноутбуклар, принтерларни таъмирлаш; тўлди-риш. Тел. 903-73-93.

Ташкилий техникага хизмат кўрсатиш ва тузатиш.  
Тел.: 102-72-98, 244-58-12.

Ташкилий техникани тўлдириш ва таъмирлаш.  
Тел. (+99897) 340-45-08.

Компьютерларни тузатиш, карт-рижларни тўлдириш.  
Тел. (+99890) 321-15-99.

Видео-, фотосуратга олиш\*.  
Тел. (+99897) 709-20-17.

\*Хизматлар лицензияланган.

**УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ РЕСТОРАН ТАНЛАНГ**

[www.restoran.uz](http://www.restoran.uz)

**РЎЙХАТЛАР**

**\*Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 28 октябрдаги қарорларига асосан Сергели туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

Корхона номи	Қарор рақами
"LYUKS DONG" MCHJ	10-1008/16818(21)
"FOROSKIY MAYAK" MCHJ	10-1008/16823(21)
"EVROSTROY STANDART" MCHJ	10-1008/16822(21)
"NINA LIGHT INVEST" XK	10-1008/16821(21)
"MARS SHZR" XK	10-1008/16820(21)
"GULSHODA BIZNES" XK	10-1008/16819(21)
"QANDOLAT BARAKA SERVIS" MCHJ	10-1008/16824(21)
"BAHOR DIAMOND BIZNES" MCHJ	10-1008/16815(21)
"MO'BINA SERVIS" MCHJ	10-1008/16814(21)
"VTORTSVETMET EXPORT" MCHJ	10-1008/16813(21)
"BAGIRA SMOKING SERVIS" XK	10-1008/16817(21)
"RUMIS GOLD" XK	10-1008/16816(21)
"ORS REF SERVIS" MCHJ	10-1008/16811(21)
"PORUMAX DIZAYN" MCHJ	10-1008/16831(21)
"STAR LINE AGRO" MCHJ	10-1008/16830(21)
"SULMAS MARVAND" MCHJ	10-1008/16829(21)
"YUGAY NIKOLAY" XK	10-1008/16828(21)
"QANDTRIS TOFFI" MCHJ	10-1008/16826(21)
"DILIR BIZNES" XK	10-1008/16827(21)
"TEMURSOBUR-BARAKA" MCHJ	10-1008/16825(21)
"VIKTORY SPETSIAL MAKINA" XK	10-1008/16812(21)

Мазкур корхоналарнинг муҳр ва штамплари бекор қилинади.

**Олмалик шаҳридаги қуйидаги корхоналар бўйича тугатиш жараёни бошланган:**

Олмалик шаҳар ҳокимлиги ҳузур-даги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясида 2007 йил 23 апрелда рўйхатдан ўтган "PLASTMAS QURILISH MONTAJ" XK (СТИР 300422494) бўйича 2010 йил 14 майдаги таъсисчи қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалик ш., Улуғбек кўчаси, 80-уй, 4-хона.  
Тел. +99897-333-39-38.

Олмалик шаҳар ҳокимлиги ҳузур-даги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясида 2008 йил 31 январда рўйхатдан ўтган "AZIA FERRO MAX" XK (СТИР 300700125) бўйича 2010 йил 27 сентябрдаги таъсисчи қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалик ш., Бирдамлик кўчаси, 18а-уй, 40-хонадон.  
Тел. +99893-182-84-00.

Олмалик шаҳар ҳокимлиги ҳузур-даги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясида 2005 йил 15 мартда рўйхатдан ўтган "GO' SH-SUT MAXSULO'I" ШК (СТИР 205522694) бўйича 2010 йил 19 мартдаги таъсисчи қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалик ш., Бектемир тумани, Водник 31-уй, 20-хона.  
Тел. +99893-182-77-92.

Олмалик шаҳар ҳокимлиги ҳузур-даги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясида 2010 йил 13 майда рўйхатдан ўтган "OLMALIQ PRESTIJ MEBEL" XK (СТИР 301609860) бўйича 2010 йил 4 октябрдаги таъсисчи қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалик ш., А.Темур кўчаси, 52-уй, 21-хонадон.  
Тел. +99893-668-71-92.

**\*Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 25 октябрдаги қарорларига асосан Бектемир туманида рўйхатга олинган тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

Корхона номи	Қарор рақами
"USTA MUXIDDIN BARAKA" XK	10-1019/16971
"ABUSH BEK SAVDO" XK	10-1019/16972
"SHER - BIZNES" MCHJ	10-1019/16973
"ROBIYA UMIDA FAYZ" XK	10-1019/16974
"AND KOREA" MCHJ	10-1019/16975

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари бекор қилинади. Кредиторларнинг даъволарини тақдим этиш учун эълон босилган кундан бошлаб 2 ой муддат белгиланган. Кредиторлар даъволари қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Х.Бойқаро кўчаси, 2-уй. Тел. 295-02-80.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 26 октябрдаги 10-1005/16441(19)-сонли ҳал қилув қарорига асосан Яккасарой туманидаги "JAYXUN QURILISH BIZNES" MCHJ (юридик манзили: Кушбеги кўчаси, 18-уй) банкрот деб эътироф этилган ва тугатув жараёни бошланган. Мазкур корхоналар бўйича тугатув бошқарувчиси этиб К.Мухаммадиев тайинланган. Ушбу корхонанинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Корхонага нисбатан талаб ва мурожаатлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 6а-уй, Яккасарой туман ДСИ биноси, 3-қават, 307-318-хоналарда қабул қилинади.  
Тел. 250-70-87.

**\*Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 8 октябрдаги қарорларига асосан Чилонзор туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

Корхона номи	Қарор рақами
"SHANSHOD-SAVDO" MCHJ	10-1020/15495-т
"ASL-SHER STANDART" MCHJ	10-1020/15497-т
"KIMMARK SERVIS" MCHJ	10-1020/15498-т
"NAKSH BEND MEBEL" MCHJ	10-1020/15499-т

Ушбу корхоналар муҳри ва бурчак тамгалари ўз кучини йўқотган деб топилсин. Чилонзор тумани Ҳокимияти корхоналарни тугатиш комиссияси эълони чоп этилган санадан эътиборан барча даъволар 2 ой муддат ичида Тошкент ш., Бунёдкор шоҳ-кўчаси, 50-уй манзили бўйича ҳамда 276-75-23, 276-26-86 телефонлари орқали қабул қилинади.

Олмалик шаҳар ҳокимлиги ҳузур-даги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясида 2005 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтган "SHEGAY ROMAN" XK (СТИР 205605882) бўйича 2010 йил 4 октябрдаги таъсисчи қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалик ш., А.Темур кўчаси, 8-уй, 39-хонадон.  
Тел. +99893-580-97-72.

Иккисондий-ҳуқуқий газета

**НОРМА МАСЛАХАТЧИ**

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ХУҚУҚ

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.  
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР  
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
Тошкент ш., Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1  
E-mail: sbxahbor@mail.ru

Нашр учун масъул:  
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келавермайди.  
Тахририят огоҳлантирадиги, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун тахририят жавобгар эмас. Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.  
"Norma маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босини, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPPRINT" МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).  
Индекс – 186 Буюртма 793 Алади 4235. Баҳоси келишилган нархда  
Газета 2010 йил 29 октябрда соат 19.30 да топширилди.  
ISSN 2010-5223